31 1297

Ilm o'zni bilmakdir

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган • 1997 йил 13 декабрь, шанба • Баҳоси сотувда эркин нархда. № 96 (6992)

Da'vat

Тартиб-интизомнинг энг зўр мактаби — оила.

С.СМАЙЛС

Ibrat

Қарши шаҳридаги 25-болалар боғчаси тарбияланувчилари учун бевосита боғлар ва хиёбонларда табиат дарсларидан сабоқ бериш режалаштирилди. Болаларга ҳар бир гул ва дарахтлар ҳақида тушунчалар берилдиган мазкур дарслар кичкинтойларнинг табиатга бўлган туйғуларини тўғри шакллантириши, шубҳасиз.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОЙИШИ

1. Оиланинг жамият тараққиётидаги аҳамиятини ошириш, унинг иқтисодий, ижтимоий, маънавий ва ҳуқуқий манфаатларини таъминлаш, 1998 йилда ҳар бир оиланинг фаровонлигини яхшилаш, омманинг миллий ва сиёсий онгини янада юксалтириш билан боғлиқ ишларни мувофиқлаштиришнинг аниқ давлат дастурини ишлаб чиқиш мақсадида республика комиссияси тузилсин ва унинг таркибида ишчи гуруҳлари ташкил этилсин.

2. Республика комиссияси бир ойлик муддатда вазирликлар ва идоралар, хўжалик бошқаруви органлари, ҳокимликлар ва жамоат ташкилотлари билан биргаликда 1998 йилнинг Оила йили деб эълон қилиниши муносабати билан тадбирлар дастури лойиҳаси ишлаб чиқсин. Дастурни тайёрлашга етакчи олимлар, мутахассислар, кенг жамоатчилик вакиллари жалб қилинсин ва тадбирлар дастури лойиҳаси кўриб чиқиш учун Вазирлар Маҳкамасига тақдим этилсин.

3. Тадбирлар дастурида қуйидаги асосий вазифаларни ҳал этиш кўзда тутилсин:

— оиладаги муносабатларнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, оила манфаатларининг ҳуқуқий муҳофазасини таъминлаш, оналик ва болалик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;

— оиланинг ижтимоий манфаатларини таъминлаш учун шароит яратиш, оила аъзоларининг саломатлигини сақлаш ва билим даражасини ошириш шарт-шароитларини яхшилаш;

— оиланинг иқтисодий манфаатларини таъминлаш учун шароит яратиш, оиланинг даромадлари, оила аъзоларининг бандлик даражасини ошириш, уй меҳнати ва турмуш шароитларини яхшилаш, кам таъминланган оилаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш;

— оиланинг маънавий-ахлоқий асосларини такомиллаштириш ва маданий қизиқишларини ривожлантириш учун шароит яратиш;

— оиланинг соғлом, билимдон ёш авлодни тарбиялашдаги ролини ошириш, баркамол авлод ўстиришда оила ва жамиятнинг вазифаларини такомиллаштириш;

— оила муаммоларини илмий ва ижтимоий тадқиқ этишни чуқурлаштириш, оила, аёл ва болаларнинг иқтисодий ҳамда ижтимоий мавқеини кўрсатувчи статистик ахборотлар тўплаш тизимини такомиллаштириш.

4. Ҳокимият ва бошқарувнинг давлат, нодавлат ҳамда ҳудудий тузилмаларига ушбу тадбирлар дастурини тайёрлашда республика комиссиясига ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш ва қўллаб-қувватлаш мажбурияти юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1997 йил 9 декабрь.





«ҚУВОНЧ» — ҚУВОНЧ МАСКАНИ

Сирдарё вилоятининг маркази — Гулистонда «Қувонч» номли боғча-мактаб фаолияти билан танишганимизда нега у кўпгина ота-онани ўзига жалб этганини яхши ҳис қилдик. Боғча-мактабдаги шинамлик, шароитнинг яхшилиги, болаларнинг ўйнаб-ўйнаб ўрганишини йўлга қўя олган мураббийлардаги малака, раҳбариятнинг ўз вазифасини пухта билиши... буларнинг барчаси уйғунлашиб «Қувонч»нинг қувонч маскани бўлишига сабаб бўлади. Болаларнинг соғлом ўсиши учун спорт зали, бассейн, фитобар, массаж хоналари каби қатор хизматлар ишлаб турибдики, кўриб ўзингиз ҳам раҳмат айтасиз.

Халқ таълими вазирлигининг «Болаларни ривожлантириш ва мактабга тайёрлаш дастури» бўйича эълон қилинган танловида бу мажмуа тайёрлаган дастур бежиз юқори баҳоланмади. Бунда тажриба тўпланган, тажрибалар таҳлил қилиниб, уни янада ривожлантириш учун янги вазифалар белгиланган.

СУРАТЛАРДА: Болалар машғулотда (юқоридаги суратлар). Боғча-мактаб мажмуаси директори Сабоҳат Миржалилова (пастдаги сурат).

● Ўзбекистон Парламенти раиси Э.Халилов раҳбарлигидаги Олий мажлис делегациясининг Россия Федерацияси Федерал мажлиси Федерация Кенгашининг таклифига биноан Москвага қилган ташрифи давомида икки давлат ўртасидаги парламент алоқаларини янада кенгайтириш йўллари тўғрисида суҳбатлар бўлиб ўтди.

● Навоий шаҳрида бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси истеъмол бозори мажмуининг сайёр мажлисида Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 14 декабрдаги «Республикада савдони эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижроси, бозорлардаги мавжуд нуқсонларни бартараф этиш ҳамда истеъмол бозори мажмуига кирувчи ташкилотларнинг 1998 йил режалари хусусидаги масалалар муҳокама этилди.

JUMLADA JAHON

● Тошкент давлат университетида Миср Араб Республикасининг мамлакатимиздаги элчихонаси Миср маданият маркази билан ҳамкорликда ташкил этилган «Ўзбекистон ва Миср маданий алоқалари» мавзуида халқаро илмий анжуман бўлиб ўтди.

● Хитой Халқ Республикаси ҳукумати Афғонистонга 360 минг долларлик инсонпарварлик ёрдами кўрсатишга, яъни дори-дармонлар, тиббий ускуналар ва кийим-кечаклар юборишга қарор қилди.

● Кореядаги 1950-53 йиллардаги уруш туфайли юзага келган Жанубий ва Шимолий Корея давлатлари ўртасидаги келишмовчиликларни бартараф этишга ҳомийлик қилаётган ХХР ва АҚШ ўртасида бу масала юзасидан музокаралар Женевада бўлиб ўтди.

● Эрон пойтахти Теҳронда бўлиб ўтаётган Ислом Конференцияси ташкилотига аъзо мамлакатлар раҳбарларининг учрашуви кун тартибида Яқин Шарқ можаролари асосий масалалардан бири сифатида муҳокама қилинмоқда.

1998 yil — oila yili

ЮРАК ТАҲЛИЛЛАРИ

Балки дил таҳлилидир. Балки юрт келажаги, унинг дунёдаги ўрни, равнақи кўйида ёнган юрак таҳлилидир. Конституциямизнинг 5 йиллик байрамига бағишланган мажлисда Узбекистон Президенти кечаги ва бугунги ҳаётимизни таҳлил этиб, навбатдаги вазифалар ҳақида гапирганда юқоридаги фикр кўпчилик хаёлини банд этди. Ҳар қандай фикрлайдиган инсон Президент сиёсатидаги, фаолиятидаги бу узвийликни, масаланинг моҳиятига етишни, муаммоларини ечишга интилишни фаҳм этди. Бу не моҳият, бу не муаммо? Бу баркамол шахслар масаласи. Ана шундай фуқаро билангина юрт обод бўлади. Яқинда қабул қилинган «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да шахс ҳақида алоҳида бўлим мавжуд. «Кадрлар тайёрлаш соҳасидаги давлат сиёсати инсонни интеллектуал ва маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш билан узвий боғлиқ бўлган узлуксиз таълим тизими орқали ҳар томонлама баркамол шахс — фуқарони шакллантиришни назарда тутади», дейилади миллий дастурда. Бунинг учун узлуксиз таълим тизими ишлаб чиқилди. Энди у босқичма-босқич ҳаётга татбиқ этиляпти. Лекин бу ишлар бевосита отаона, яъни оиланинг фаол иштирокини талаб этадики, бундай АНГЛАНГАН ФАОЛИЯТ бўлмаса бир натижага эришиш қийин. Оиладаги муносабат билан мактабдаги муносабат бир-бирига уйғун бўлса, бола тарбиясидаги бу ҳамоҳанглик жамиятга шахсларни етиштириб бераверади. Мактаб ислоҳи бошланди. Бунинг учун оила ислоҳи ҳам керак. Шу боис «оила ҳаётнинг абадийлигини, авлодларнинг давомийлигини таъминлайдиган, муқаддас урф-одатларимизни сақлайдиган, шу билан бирга, келажак насллар қандай инсон бўлиб етишишига бевосита таъсир кўрсатадиган тарбия учоғи эканини тан олишимиз даркор», дейилади Йўлбошимиз нутқида.

Юқорида миллий дастур, узлуксиз таълим ҳақида гапирдик. Унинг бошланиши мактабгача таълим ҳисобланади. Дастурда «Мактабгача таълим бола олти-етти ёшга етгунича давлат ва нодавлат мактабгача тарбия болалар муассасаларида ҳамда оилаларда амалга оширилади», дейилган. Мактабгача таълим фурсати етгунича эса бола оилада усиши табиий. Оила инсон ҳаётининг, тарбиясининг, дунёқарашининг, яхшиликнинг бошланиши демакдир. Тарих бунга гувоҳ. Президент айтмоқчи «ҳалоллик, ростгўйлик, ор-номус, шарму ҳаё, меҳру муҳаббат, меҳнатсеварлик каби инсоний фазилатлар, энг аввало, оилада шаклланган».

Халқимизни 130 йил мобайнида миллий анъаналар, урф-одатлардан бежиз айирмадилар. Шундай бўлса-да, халқ қадриятларни оилада асрашга ҳаракат қилди. Бироқ шуро мактабидаги худосизлик бу анъаналарга маълум маънода путур етказди. Оилада гуноҳкорликдан қўрқиш, яхшиликка интилиш лозимлиги илоҳий китоб мазмунидан келиб чиқиб айтиларди. Илоҳийлик инкор қилингач, оилада эшитиладиган сабоқлар чўпчакка чиқиб қолди. Узилиш пайдо бўлди. Уша тарбия фикрсизлик, бокимандалик, ялқовликни келтириб чиқарди.

Демак, тарбиянинг бошланиши оила, яна ҳам аниқроғи оналир. Она фарзандларга дастлабки премьерани намойиш этдилар.

Дилмурод ЖАББОР.

ХОРИЖЛИКЛАРГА ЎЗБЕК ТИЛИ

3-БЕТ

ПЕЛЕ, МАРАДОНА, БЕККЕНБАУЭР БАШОРАТ ҚИЛАДИ

4-БЕТ

Fikr, taklif, mulohaza

ҚАНЧА КИМЁГАР ТАЙЁРЛАШ КЕРАК?

Республикамиз мустақилликка эришгач ҳар бир соҳа бўйича олий маълумотли мутахассисларни қандай ва қанча тайёрлаш керак деган савол олий ўқув юрти ходимлари олдидаги долзарб масала бўлиб қолди. Қолаверса, бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтиш ҳам республикамиз эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда малакали ва жаҳон стандартларига жавоб берадиган мутахассисларни тайёрлашни талаб қилмоқда. Шу муносабат билан Тошкент давлат университетида олий маълумотли кимёгарларни тайёрлаш бўйича ўз фикр ва мулоҳазаларимизни билдирмоқчимиз.

Республикамиз турли қазилма бойликларга бой ўлкадир. Айниқса, нефть, газ ва кўмир кўп. Рангли ва нодир металлар, тузлар, мармар, гипс, бўр ва бошқа кимёвий моддаларнинг конлари ҳам талайгина. Шунинг учун республикада кўплаб кимёвий корхоналар қурилган. Чирчиқ, Навоий, Олмалиқ, Самарқанд, Бухоро, Фарғона, Ангрен, Тошкент, Қувасой, Зарафшон, Учқудуқ, Шуртон, Мингбулоқ, Муборак каби шаҳарларда фаолият кўрсатаётган кимёвий корхоналарни юртимиздан четда ҳам яхши билишади. Бу корхоналарда азотли ва фосфорли ўғитлар, қимматбаҳо металлар, олтингугурт, шиша, чинни, цемент, нефть маҳсулотлари, газ, қишлоқ хўжалиги зараркунандаларига қарши қўлланиладиган моддалар, гербицидлар, дефолиантлар, нитрон толаси, капролактам, сульфат кислота, нитрат кислота, аммиак, лак ва бўёқлар, бошқа муҳим маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Бу маҳсулотларни ишлаб чиқаришда содир бўладиган кимёвий жараёнларни чуқур биладиган кимёгарлар зарур.

Кимё фани бўйича чуқур ва ҳар томонлама билим берувчи олий ўқув юртларидан бири республикамизнинг тунгич илм даргоҳи Тошкент давлат университетидир. Бу ерда анорганик кимё, физик ва коллоид кимё, аналитик кимё,

(Давоми 2-бетда).

Tanlov

КУЮНЧАКЛАР АНИҚЛАНДИ

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да узлуксиз таълимни талаб даражасида ташкил этиш ва ислоҳ қилиш етук кадрлар етиштиришнинг асосий омили сифатида ўз ифодасини топган. Бу тизимнинг илк босқичи — мактабгача таълим эса ўзидан кейинги барча босқичларнинг самарадорлигини ҳамда бир маромда давомли фаолиятини таъминлашда бош мезон вазифасини ўтайди. Шу боис Халқ таълими вазирлиги бу ишни режали ва илмий асосланган тарзда йўлга қўйиш мақсадида шу йилнинг февраль ойида «Болаларни ривожлантириш ва мактабга тайёрлаш дастури» танловини эълон қилганди. Ўтган куни Халқ таълими вазирлигида ушбу танлов якуни кўриб чиқилди. Йиғилишни халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев олиб борди.

— **Мен бугун бир нарсадан қувониб турибманки, бу ҳам бўлса бизнинг чорловимизга, лаббай, деганларнинг топилганлиги,** — деди Ж.Йўлдошев. — **Танловда назариётчилар билан амалиётчиларнинг уйғунлашувини эса иккинчи ютуғимиз, десам адашмайман. Сабаби худди ўша уйғунлашув биз кутаётган натижаларни беришига ишончим комил. Чунки ҳар бир назария амалиётга қанчалик синга олиши билан қадрли.**

Ушбу танловни ўтказиш бўйича тузилган ташкилий қўмита аъзоси, давлат таълим стандартлари бўйича Республика инспекцияси бошлиғи Рустам Аҳлиддинов танловнинг ташкилий томонларига тўхталиб жумладан шундай деди:

— **Танловга 13 та муаллифлар гуруҳидан 33 та номдаги дастур ва ишланмалар келиб тушди. Биз уларни саралашда холислик бўлсин, деган мақсадда барча ишланма ва дастурларни махсус шифрлар билан белгилаб, муаллифлар исми, шарифисиз эксперт гуруҳга тақдим этдик. Бу танлов аввал эълон қилинганлиги боис «Таълим тўғрисида»ги Қонун ҳамда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» қабул қилингач, дастур ва ишланмалар бу иккала муҳим ҳужжатга мослаштирилиши учун муаллифларга қайтарилиб, сўнгра яна олинди. Эксперт гуруҳ уларни таҳлил этиб, ўрганиб, ўз хулосасини айтди.**

Шундан сўнг эксперт гуруҳ аъзолари танлов жараёни натижаларини баён этишди. Танловда қўйилган 20 та шарт бўйича обдон текширилган мазкур дастурлар ва ишланмалар ичидан 4 таси нисбатан яхши деб топилган. Улар ҳам бола ривожланиши ва уни мактабга тайёрлаш жараёнини ҳар томонлама қамраб ололмаганлиги боис танловдан кўзланган олий мақсад — ягона (таянч) дастур яратиш ҳозирча амалга ошмай қолди.

— **Гарчи бугун ниятимизга тўлиқ етолмаган бўлсак-да,** — деди Ж.Йўлдошев, — **асосийси мактабгача таълим-тарбия**

(Давоми 2-бетда).

ММММ — ХАБАРЛАРИ

КИЧКИНТОЙЛАРГА КИЧКИНА ТУҲФА

Бухородаги С.Айний номидаги вилоят мусиқали драма ва комедия театри ижодий жамоаси бошланғич синф ўқувчилари ва болалар боғчаларининг тарбияланувчилари учун янги йил совғаси ҳозирладилар. Улар драматург Бобораҳим Омоновнинг «Қуёнбойнинг туғилган куни» эртак пьесасини саҳналаштиришга муваффақ бўлишди. Пьесадаги эртак оламининг қаҳрамонлари образларини театрнинг моҳир актёрлари маҳорат билан ижро этиб, яқинда ёш томошабинларга дастлабки премьерани намойиш этдилар.

Дилмурод ЖАББОР.

ЮТУҚЛАР ЭЪТИРОФ ЭТИЛДИ

Тошкент вилоят педагогик ходимлар малакасини ошириш институти мажлислар залида республика Конституцияси қабул қилинганлигининг беш йиллигига бағишланган тантанали кеча бўлиб, уни институт ректори Дилбар Маликова қисқача нутқ сўзлаб очди.

Йиғилишда қатнашган ўқитувчи-мураббийлар Конституциямизнинг фуқаролар ва давлат муносабатининг мустаҳкамланганлиги, фуқаролар манфаатларига мос тушганлигини эътироф этдилар. Улар иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлардан бири бўлган 41-модда «Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга, бепул таълим олиш давлат томонидан кафолатланади» деган жумладан келиб чиқиб, қабул қилинган Узбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ҳам юқоридаги ҳужжатни ҳаётга татбиқ этилишига ёрқин мисол эканлигини, таълим ва тарбия соҳасидаги ишларга давлат миқёсида эътибор берилаётганлигини таъкидладилар.

Мирсоат ИСҲОҚОВ.

ЭЛ ҲАШАРИ БЎЛДИ

Жиззах вилояти ҳокимлиги ташаббуси билан Арнасой туманида барча хизматчилар боғчалар, мактаблар, ташкилотлар ва муассасалар биргаликда эл ҳашари — шанбалик ўтказишди. Туман марказидаги боғ ва майдонлар, кўчалар, йўлаклар, канал ёқалари тозаланди. Манзарали дарахтлар оқланди, таглари кузги хазонлардан, ўт-ўланлардан халос қилинди.

Шанбаликдан тушган бир кунлик маблағ қарияларга, ободонлаштириш ишларига сарф қилинадиган бўлди.

Намоз ҚАРШИЕВ.

ММММ — ХАБАРЛАРИ

КУЮНЧАКЛАР АНИҚЛАНДИ

(Боши 1-бетда).

куюнчакларини аниқладик ва уларни бир жойга жамлай олдик. Энди улар ғояларини бир мақсадга йўналтириш ва пировард натижада тўлақонли, пухта ишланган «Болаларни ривожлантириш ва мактабга тайёрлаш дастури»ни яратиш иши қолди, холос.

Вазирнинг бу фикри тасдиғи тариқасида нисбатан яхши деб топилган тўрттала дастур ютуқларини санаб ўтиш лозим. Сирдарё вилояти Гулистон шаҳридаги «Қувонч» боғча-мактаб мажмуи (директори Сабоҳат Миржалилова) педагогик жамоаси томонидан тайёрланган дастур ўзига хослиги, боланинг мантиқан ривожланишини ва улардаги мавжуд қобилиятларни ўстиришни ўзида акс эттирганлиги билан, Қори - Ниёзий номидаги ЎзПФИТИ профессори Қумри Абдуллаева ва шу институт доценти М.Расулова раҳбарлигидаги 2 та мустақил дастурлар илмий жиҳатдан асосланганлиги, миллий мафкура билан суғорилганлиги ва мактабгача таълим стандартларига мос келиши билан аҳамиятли. Шунингдек, қўқонлик муаллифлар гуруҳига тегишли дастурда кичкинтойларга санъат сирларини, миллатимиз тарихи, маданияти, урф-одатлари ва қадриятларини сингдиришга алоҳида урғу берилган. Буларнинг барчаси жамулжамида юқорида таъкидланган ягона (таянч) дастур юзага келиши табиий. Чунки ушбу 4 та дастур ҳамда қолган ишланма ва дастурларнинг ҳар бирининг ўзига хос ютуғи бунга замин бўла олади.

Йиғилиш сўнггида танловни ўтказиш ташкилий қўмитаси томонидан тавсия этилган қуйидаги дастурлар муаллифлар гуруҳлари моддий жиҳатдан рағбатлантирилди;

Гулистон шаҳридаги «Қувонч» номидаги боғча-мактаб мажмуи педагогик жамоаси муаллифлари гуруҳига — 15 минг сўм.

ЎзПФИТИ да тузилган иккита мустақил муаллифлар гуруҳининг ҳар бирига — 7,5 минг сўмдан.

Қўқонлик муаллифлар гуруҳига — 5 минг сўм пул мукофоти берилди. Шунингдек ушбу танловда қатнашган барча муаллифлар гуруҳлари Халқ таълими вазирлигининг Фахрий ёрлиғи ҳамда «Халқ таълими аълочиси, кўкрак нишони билан тақдирланадиган бўлишди.

МУХБИРИМИЗ.

Xushxabar

ИСТЕЪДОДЛАР ЭЛ ИЧИДА БЎЛАДИ

Янги ўқув йили бошида Навоий вилояти Навбаҳор туманидаги Усмон Носир номли 34-таянч мактабнинг 1-синфига Бешработ деҳқон-фермер хўжалигида яшовчи Бердирасул Ғойибназаров ўз фарзанди Тўлқинжонни етаклаб келди. Ўғлининг ҳужжатларини ўқитувчи Қувондиқ Сафаровга топшира туриб, унинг ғаройиб қобилияти ҳақида ҳам гапириб ўтди.

Ҳақиқатан ҳам Тўлқинжон мактаб остонасига қадам босмаёқ янги ўзбек алифбосини ҳам, кирилл алифбосини ҳам танир, 10 ичида қўпайтириш ва бўлиш жадвалини тўлиқ билар, бошланғич синфлар ҳажмидаги мисол ва масалаларни ҳеч қийналмасдан ечиб берарди.

Мактаб маъмурияти унинг бу истеъдодини текшириб кўриш учун муаллим-мутахассислардан иборат махсус комиссия тузди. Комиссия қарорига кўра Т. Ғойибназаров 1-синфга эмас, балки 2-синфга қабул қилинди.

Яқинда Тўлқинжон яна бир карра «кўрик»дан ўтказилганда, у 3-синф ҳажмидаги барча саволларга тўғри жавоб бериб, мураккаброқ мисол ва масалаларни бемалол ечди. Хуллас, 1991 йил 9 январда туғилган Тўлқинжон Ғойибназаровнинг ажиб истеъдоди кундан-кунга ёрқин намоён бўлиб бораётир.

Шерназар БЕКНАЗАРОВ,
Навоий вилояти Навбаҳор тумани халқ таълими бўлими методисти.



Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ туманидаги 34-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Мавлуда Аҳророва, математика фани ўқитувчиси Анора Кенжегалиева ва инглиз тили фани муаллимаси Заҳира Ризаматовалар ўз соҳасининг илғорлари саналишади. Жамоа орасида ҳам уларнинг обрўлари баланд. Жонкуяр муаллимлар бу обрўга ўз касбига меҳр қўйиш, таълим-тарбияни уйғунлаштириш, ўғил-қизларни худди фарзандидек севиш орқали эришганлар. Шу билан бирга илғор муаллимлар ҳар бир дарсни ҳамиша ўзига хос тарзда, кўргазмали қуроллар воситасида ўтишади.

СУРАТЛАРДА: дарс жараёнлари акс этган.

Равиль АЛЬБЕКОВ олган суратлар.

АВЛОДЛАР ТАСАВВУРИДАГИ МУҲАДДИС

Бутун дунёга машҳур инсон, бундан 12 аср муқаддам яшаб ўтган буюк миллатдошимиз ҳақида билмаганингизга, эшитмаганингизга, ўқимаганингизга сира ҳам ишонмайман. Эслайсизми, умр бўйи дунё кезиб, сўнгида Ватанига қайтгач, такаббур хоннинг буйруғига қулоқ осмай: «Илмга келадилар, илм бормайди», дея ўз ору номусини, қадру қимматини ҳимоя қилган, англаган инсонни?

Зийрак газетхон ислом оламида энг муқаддас саналган Қуръони Каримдан кейинги поғонада турувчи ҳадис илмининг мукаммал билимдони, юртдошимиз, буюк муҳаддис Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил Ал-Бухорий ҳақида сўз юритаётганимизни аллақачон пайқади. Дунёда ҳадис жамлаб, номларини абадият саҳифасига битиб кетганлар жуда кўп. Аммо уларнинг-да устози, ислом дунёси эҳтиром билан тан олган олим Имом Ал-Бухорийдир. У киши жамлаган ҳадислар «Ал-Жамиъ ас-саҳиҳ» («Ишонарли тўплам») дея юритилади. Араб дунёсида яшаётган ёки мусофиратда юрган туркистонликларни араблар шу кишининг шарофатларидан бухорийлар деб аташади ва бошқалардан фарқли ўлароқ улардан маълум муддат турли солиқларда имтиёз яратиб беришади. Бу биз учун фахрдир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 1997 йил 29 апрелдаги «Имом Ал-Бухорий таваллудининг ҳижрий-қамарий тақвим бўйича 1225 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги қароридан асосий мақсад ҳам буюк юртдошимиз илмий-маърифий меросининг халқимиз маънавий-руҳий ҳаётидаги беқиёс ўрнини белгилаш, уни асраб-авайлаш, кенг тарғиб этишдан иборат эди. Бу қарор юзасидан бугунги кунда мамлакатимизнинг кўпгина ташкилот ва муассасаларида ибратли тадбирлар амалга оширилмоқда. Шулардан бири яқинда Тошкент автомобиль ва йўллар техникумида бўлиб ўтди.

Илмий-амалий анжуманни Тошкент автомобиль ва йўллар техникуми директори Д.Қулмуҳаммедов кириш сўзи билан очди. Анжуманда тарих фанлари доктори, профессор К.Норматов, фантаст ёзувчи, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Ҳ.Шайхов, техникум талабаси К.Зиёёвлар буюк муҳаддис ҳаёти ва фаолиятига тўхталиб, унинг жаҳон тарихида тутган ўрни, у тўплаган ҳадисларнинг ёшлар тарбиясидаги аҳамияти масалаларига эътиборни қаратдилар.

Шоир Н.Нарзуллаев, Ўзбекистон Республикаси халқ артистлари: М.Иброҳимова ва Д.Эшонбобохоноваларнинг чиқишлари, техникум талабаларининг Имом Ал-Бухорий ҳадисларидан ёддан ўқишлари анжуман қатнашчиларининг олқишларига сезовор бўлди.

Норали ОЧИЛОВ,
«Маърифат» нинг махсус мухбири.

ҚАНЧА КИМЁГАР ТАЙЁРЛАШ КЕРАК?

(Боши 1-бетда).

органик кимё, усимлик моддалари кимёси, полимерлар кимёси каби бир қанча бўлимлар бўйича талабаларга билим берилади. Улар кимё бакалаври ва магистри дастурлари бўйича билим оладилар. Университетни битирган мутахассислар ўрта ва ўрта махсус мактабларда, кимёни чуқур ўрганадиган лицейларда, олий ўқув юртларида кимёдан дарс берадилар, илмий текшириш институтларида, турли хил корхоналар лабораторияларида илмий ишлар олиб борадилар. Халқ хўжалигининг бу соҳалари ҳамма вақт университет тайёрлаган мутахассисларга муҳтождир. Узбекистонни иқтисодий ривожлантиришда нефть-газ саноати, рангли металлар билан боғлиқ бўлган соҳалар устивор йўналишлар деб белгиланиши бу соҳада хизмат қилаоладиган кимё мутахассисларини тайёрлашни талаб қилади. Олтин, мис, рух, қўрғошин, симоб каби металларни ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган кимёвий жараёнларни биладиган кимёгарлар узимизда, айнан университетда тайёрланиши керак. Газ ва нефть кимёсини ривожлантириш, улардан турли эритувчилар, доривор моддалар, мономерлар ва полимерлар олиш долзарблиги туфайли университетда айнан шу йўналишдаги мутахассисларни тайёрлаш мақсадга мувофиқдир. Яна бир янги йўналиш — бу мустақил республикамиз божхоналарида ишлай оладиган кимёгар-экспертлар тайёрлашдир. Четдан кириб келаётган ёки хорижга олиб кетилаётган маҳсулотларнинг сифатини ва у билан боғлиқ бўлган маҳсулот баҳосини тўғри белгилашда бундай мутахассисларнинг хизмати аҳамияти каттадир. Ичимлик сувларни тозалаш, улар таркибини аниқлашда ҳам кимёгарлар жуда зарур. Терини ошлаш, бўяш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва корхоналар чиқиндиларини фойдали маҳсулотларга айлантириш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш каби ишларни амалга оширишда ҳам кимёгарлар зарур. Синтетик доривор моддалар, пахта, жун толаларини қайта ишлашда керак бўладиган кимёвий моддалар тайёрлаш жараёнларини мукаммал биладиган мутахассислар ҳам кимёгарлар. Ёғочни қайта ишлаш ва қоғоз ишлаб чиқариш, енгил ва озиқ-овқат саноати маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун ҳам кимёвий моддалар ва кимёгарлар зарур. Республикамизда резина саноатини ривожлантириш ҳам кимёгарлар зиммасида. Атир-упа, совун, ювувчи воситалар ишлаб чиқариш, полиэтилен, полипропилен, полистирол каби моддалар, улардан турли пластмасса буюмлар олиш ҳам долзарблигича қолмоқда.

Кимё ва кимёвий воситалар шу қадар ҳаётимизга сингиб кеттанки, улар қўлланмайдиган соҳани топиш анча мушкул. Қуриниб турибдики, республикамизнинг иқтисодий равнақи учун кимё фани ва кимё саноатининг ниҳоятда ҳиссаси катта.

Юқоридаги мулоҳазалардан келиб чиқиб, биз етарли даражада кимёгарлар тайёрламоқдамиз деб айтаоламизми? Афсуски, йўқ. Ҳозирги вақтда Тошкент давлат университетидек даргоҳда йилига фақат 30-40 та мутахассис тайёрланмоқда. Бу курсаткични қониқарли деб булмайди, албатта. Кимё институтлари, лабораториялари ва корхоналарига юқори малакали кимёгарлар зарурлиги бу курсаткични оширишни талаб қилмоқда. Уйлаймизки, тегишли ташкилот вакиллари, мутасадди ходимлар бизнинг фикримизга қўшиладилар, узларининг фикр-мулоҳазаларини билдирадилар. Юқори малакали кимёгарлар тайёрлашнинг сони ва сифатини оширишга кумаклашадилар.

Кези келганда шуни айтиш керакки, кимёнинг назарий асосларини чуқур эгалламасдан туриб, республикада кимё саноатини ривожлантириб бўлмайди. Шунинг учун ҳам Узбекистонда кимёгар мутахассислар тайёрлашга муҳим аҳамият бериш лозим. Зеро, республикамиз ўз ватани ва миллатини дунёга танитган О.Содиқов, С.Юнусов, Ҳ.Усмонов, М.Набиев ва бошқа олимлари билан фахрланади. Мана шу буюк алломалар ишларини давом эттирувчи ва ривожлантирувчи кимёгарлар тайёрлаш ҳозирги куннинг долзарб масалаларидан ҳисобланади.

Т.БОБОЕВ,
кимё фанлари доктори, профессор
Х.ТОЖИМУҲАМЕДОВ,
кимё фанлари номзоди, доцент.

МАКТАБ КУТУБХОНАЧИЛАРИ АНЖУМАНИ

Тайлоқ туманидаги 30-ўрта мактабда Республика илмий педагогика кутубхонаси, вилоят халқ таълими бошқармаси, вилоят педагог ходимлар малакасини ошириш институти ва вилоят болалар кутубхонаси ҳамкорлигида вилоят мактаб кутубхоначиларининг «Мустақил Ўзбекистонда адабиётларни тарғиб этиш ва болалар ўқишига раҳбарлик қилишнинг долзарб вазифалари»га бағишланган услубий семинар бўлиб ўтди...

Семинарга ташриф буюрган барча қатнашчилар дастлаб мазкур мактабда олиб борилаётган таълим-тарбия ишлари билан яқиндан танишдилар. Шу мактаб кутубхоначилари Х. Соҳибова, М. Холбобоеваларнинг кутубхонада амалга ошираётган ишлари билан қизиқдилар.

Шундан сўнг мактабнинг, мажлислар залида анжуман ўз ишини бошлади. Вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғининг биринчи муовини А. Мажидов анжуманни кириш сўзи билан очди ва кутубхоначиларнинг ушбу анжумани ҳақида ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирди.

Республика илмий педагогика кутубхонаси бўлим бошлиғи Раиса Ратнер «Мактаб кутубхонаси иш режасига қўйиладиган талаблар» мавзуида сўзга чиқиб, мактаб кутубхоналари ишини яхши йўлга қўйишда амалга оширилиши лозим бўлган ишлар ва республика илмий педагогика кутубхонаси томонидан мактаб кутубхоналарига ёрдам сифатида ишлаб чиқилаётган тавсияномалар, иш режалари ҳақида батафсил сўз юритди.

Шунингдек А. Авлоний номидаги республика малака ошириш институти кутубхонасининг етакчи мутахассиси М. Назарова, вилоят болалар кутубхонаси ходими М. Ҳусайновалар кутубхона хизматини намунали йўлга қўйишда олиб борилиши керак лозим бўлган қизиқарли тадбирлар ҳақида гапирдилар.

— Ҳаммамизга аёнки, мактаб кутубхонаси маънавият ва маърифат ишларини амалга оширишда ўқитувчи ва ўқувчиларга яқиндан ёрдам берадиган зиё масканидир. Шунинг учун бугунги куп мактаб кутубхончиси олдига катта масъулият юклайди, — деди вилоят педагог ходимлар малакасини ошириш институти кутубхонаси услубчиси М. Ҳамидова.

Семинарда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармонини ҳаётга тадбиқ қилиш борасида мактаб кутубхоначиларининг вазифалари ҳақида ҳам сўз юритилди.

Бундан ташқари бугунги кунда ечимини кутаётган, муаммоли масалалар ҳам ўртага ташланди. Масалан, мактаб кутубхоналарида бадиий китоблар сони кескин камайиб кеттанлиги ва бу муаммони бартараф этиш чоралари ўртага ташланди.

Вилоят ҳалқ таълими бошқармасининг китоблар таъминоти бўйича инспектори Т. Алқаров сўзга чиқиб, мактаб кутубхоналаридаги дарслик ва бадиий китоблар таъминоти бугунги кундай қай аҳволда эканлиги ҳақида гапирди.

Талбир ниҳоясида сўзга чиққан мезбонлар, Тойлоқ туман ҳокими муовини Ж. Ашуров, туман халқ таълими бўлими мудири Я. Ҳамдамов ва 30-ўрта мактаб директори Қ. Низомовлар анжуман қатнашчиларига самимий тилакларини изҳор қилишди.

Мактабнинг ҳаваскорлик тўгараги қатнашчилари ўзларининг шеър, қўшиқлари билан анжуман қатнашчиларини хушнуд этди.

Вилоятимиз туманларидан ташриф буюрган вакиллар анжумандан бой таассуротлар билан биргаликда иш режалари ва тавсияномалар ҳам олиб қайтдилар.

Назокат ШЕРБОЕВА,
«Маърифат нури» газетаси мухбири.
Самарқанд вилояти.



Yaxshilar oramizda

МУАЛЛИМ ГУРУНГЛАРИ

Ҳаётда шундай инсонлар борки, номлари касблари номига синоним бўлиб кетган. Бир танишим айтади: «Биз томонларда Нурвали исмли шифокор бўлгувчи эди. Каттаю кичик у кишини «Нурвали дўхтир» дея аташарди. Кичкина эдим. «Нурвали» дегани ҳам «дўхтир» дегани бўлса керак, деб ўйлардим. Ҳатто, бир марта отамдан «Нурвалининг оти нима?» деб сўраганимни ҳам ҳали-ҳали эслаб юраман... Мана, сизга касбга садоқат.

Дарвоқе, касбига ўта садоқатли инсонлар муаллимларимиз орасида ҳам кўплаб учрайди. Шу боис, уларни ҳам барча таниган-билганлар «фалончи муаллим» дея аташади, эъзозлашади. Мен сизга таништирмоқчи бўлаётган инсон ҳам эл орасида «Синдорқул муаллим» номи билан эъзозли.

Айни пайтда нафақада, кексалик гаштини сураётган, бутун умрини маорифга бағишлаган бу муаллим инсон билан гурунгимиз тезда қовуша қолади. Синдорқул бобо ўз ўқувчилик даврини муаллимлик қилган йилларини ҳикоя қилиб беради. Кечаётган бугунги кунимиз, бугунги таълим-тарбия жараёни хусусида ҳам теран мушоҳадалари билан ўртоқлашади. Бобо муаллимни тинглай туриб, айтганларини бошқаларга ҳам ҳикоя қилиб бермоқ истаги туғилади, менда.

«Болалигимиз, айниқса ўқувчилик даврларимиз қийин бир паллага — уруш даврига тўғри келган. Ҳали жуда кичкина бўлишимизга қарамасдан, ҳам ўқирдик, ҳам бетиним ишлардик. Ўқиш учун имконият, вақт, дарсликлар, ўқув қуроллари етишмасди. Лекин ўқишга иштиёқ керагидан ортиқ эди, десам ҳам бўлади. Бутун синф болалари ҳар бир мавзуни баравар ўзлаштириш учун ҳаракат қилардик. Дафтар етишмасди. Ҳар бир дафтардан обдон фойдаланардик. Қалам билан ёзиб тўлғазилган дафтарни ўчириб, қайтадан қалин, рангли қалам билан ёзиб чиқардик. Дафтар тўлгач, бу ёзувни ҳам ўчириб, энг сўнгида сиёҳ билан ёзардик. Шу ҳолда бир дафтардан уч-тўрт қайта фойдаланар эдик. Шундай бир аҳволда ўқиб ҳам орамизда билимдон ўқувчилар аксарият кўпчиликни ташкил этар эди.»

Муаллимлик касбига қандай қизиқиб қолганлиги хусусида сўрар эканман, Синдорқул бобо шундай жавоб беради: «Ў, у пайтларда муаллимлик касбига қизиқмаган болалар кам бўларди. Муаллимлар энг эъзозли инсонлар эди, назаримизда. Барча одамлар ҳам муаллимларни беҳад қадрлар эдилар. Бу касбга иштиёқим зўрлигиданми, ё мактабни аълога тугатганим учунми, мактабни битирган йилимданоқ ўша ерда муаллим қилиб олиб қолишган. Шундай қилиб, 1949 йилда Бахмал туманининг Қорақишлоғида иш фаолиятимни бошлаганман. Кейинчалик Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтида сиртдан таҳсил олгач, ўз касбимга меҳрим янада ошди, иш услубим ҳам такомиллашди».

Шу ўринда Синдорқул бобо ҳақида у кишининг шогирдлари айтган гаплар беихтиёр ёдга тушади. Бир шогирди: «Синдорқул муаллим жуда болажон инсон. У кишининг бизга сабоқ ўргатган кезларини жуда яхши эслайман. Уст-бошим юпун, ўзим нимжонгина бола эдим. Устозим қишли-қировли кунларда мени эгнига ўраб, қўлида кўтариб мактабга олиб борганларию яна опичлаб уйга олиб келганлари кўп бўлган», дея хотирласа, яна бир шогирди «Муаллимимиз бизга жуда меҳрибон эдилар. Ўқувчилик даврларимни эсласам, тасаввуримда бир ҳолат жонланади: Қалин қор ёққан қиш тонги. Кўчада из тополмай, уйда муаллими келишини кутиб ўтирган қўшни болалар ва ниҳоят қалин қорда йўл очиб ўз изидан биз, кичкина ўқувчиларини мактабга бошлаб кетаётган муаллимимиз. Бу муаллим — Синдорқул муаллим бизга шундай меҳрибон эдилар. Шу боис, у кишига ҳали-ҳануз ҳурматимиз баланд, қўлимиз доим кўксимизда», дея тўлқинланиб гапиради. Бу шогирдлар эҳтиромини тинглай туриб, бугунги кун муаллимларига назар солгинг, улар орасидан ҳам мана шундай болажон инсонларни жуда кўплаб учратгинг келади.

«Ҳар бир бола бир дунё» деганлари рост гап, — дейди Синдорқул бобо. — Асло улар билан «бу ҳали болаку» деган бир оҳангда гаплашмаслик керак. Ҳар бир ўқитувчи болаларга ўзини тенг кўя билган ҳолатда улар онгига ўз сабоғини сингдиришга эришмоғи лозим.

Ўқувчилар учун билим олиш, мукаммал таълим-тарбия бериш имконияти жуда кенг очилган бугунги кунимизда айрим мактабларимиздаги аҳволни кўриб кўнглим ғаш бўлади. Мактаб ва оила ҳамкорлигининг сустлиги бола тарбиясидаги кўпгина камчиликларга асос бўлади, деб ўйлайман. Бу ўринда ҳам ўқитувчилар ташаббусни ўз қўлларига олишларига тўғри келади, баъзан. Шундай пайтда, ўқитувчи ўзини четга олмаслиги, ўқувчисига бор меҳрини бера билган ҳолда, унинг ота-онаси кўнглига ҳам йўл топа билмоғи керак бўлади. Бола тарбияси — келажак тарбияси эканлигини биринчи галда халқимизнинг кенг зиёли қатлами бўлмиш ўқитувчилар теран англаб етмоқлари жоиз».

Дарвоқе, муаллим бобонинг куйинганича бор. У киши ўтган йили бир ниятни кўнгилларига тугиб қўйгандилар. Яъни, ўзи яшаётган қишлоқ мактабининг фақат аъло баҳога ўқиётган бир нафар 10-синф ўқувчисига 50 сум, ҳамда бир нафар аълочи 11-синф ўқувчисига 100 сум миқдорида ўз нафақасидан стипендия жорий этмоқчи эди. Афсуски, Синдорқул бобо стипендиясини олиш талабига жавоб бера оладиган (аълочи) ўқувчи мактабда топилмади. Бу ҳол мактаб ўқитувчилар жамоасини таъсирлантирди шекилли, улар тез орада кўп-кўп аълочи ўқувчилар тавсия этажакларини ваъда қилишганди. Синдорқул бобо ҳам шул ойдан ўз савобли ишини бошлаяжагига умид қилиб турибди.

Алқисса, ўтган умрини маорифга бахшида этган, Бахмалдаги 10-, Ғаллаороллдаги 33-, Сирдарёдаги 28-мактабларда меҳнат қилган, иш услуби республика миқёсида оммалаштирилган билимдан устоз Синдорқул Ҳайдаров ҳақида унинг ўз сўзию меҳнатлари ҳикоя қилади. Синдорқул бобо айни кунларда Ғаллаорол туманидаги Авлиё ота қишлоғида умргузоронлик қилар экан, мудом эл назарида. Ва ҳали ҳануз таълим-тарбия ишларидан четда эмас. Буни 4 ёшли набираси Зафарбекнинг оҳангдор шеърлар ўқишидан тортиб, қишлоқ ёшлари унинг маслаҳатини олмоқ илинжида ошиқиб келишларигача аён этиб турибди. Синдорқул бобо шу элнинг доно оқсоқолларидан, шу элнинг фозил муаллимларидан биридир.

Икром БЎРИБОЕВ,
халқ таълими аълочиси.

ХОРИЖ ТЎЛҚИНЛАРИДА

Кремль маъмуриятининг хабар қилишича, Президент Борис Ельцин бетоблиги туфайли ҳафталик радио мурожаатта чиқмайди. Ҳозирда Ельцин Москва яқинидаги шифохонада даволанмоқда. Айтилишича шамоллаш вируси туфайли Президент ўзини бехузур сезмоқда. Россия телевидениеси олтмиш олти ёшли Президентни санатория ҳовлисида ёрдамчиси билан гаплашаётган ҳолда намойиш қилган.

***

Туркия ҳарбийлари Исроил ва Америка Қўшма Штатлари иштирокида ўтказиладиган ҳарбий машқулотлар январь ойида Ўрта Ер денгизининг шарқида ўтказилишини маълум қилган. Армия баёнотига кўра машқлардан мақсад қўшма қидирув ва қутқарув амалиётларини пишитишдир. Теҳронда ўтаётган ислом конференцияси ташкилотининг олиймақом учрашувидаги танқидга қарамай ушбу баёнот эълон қилинган.

«ВВС» (ЛОНДОН).

Каспий регионидаги нефтни Овропага таъминлаш ташаббуси бўйича Руминия билан Гуржистон транзит йўл очишга ҳаракат этмоқда. Чунончи, Бухарестда ўтказилган учрашувда иккала ўлка раҳбарлари мавзуни муҳокама этишган.

***

Америка Қўшма Штатлари ва Хитой ўртасида мудофаа масалаларига тегишли ўтказиладиган биринчи сўзлашувлар учун тайёргарлик кўрилмоқда. Бугун Пентагонда бошланадиган маслаҳатлар жума куни тугайди. АҚШ мудофаа вазирининг билдиришича, томонлар регионал ва оламшумул мудофаа масалалари устида маслаҳатлашади.

«Америка овози» (Вашингтон).

***

Афғонистон миллий исломий жунбушининг раҳбари генерал Абдурашид Дўстум 8 декабрь куни Фарёб вилоятига ташриф буюриб, аҳоли билан яқиндан учрашди ва уларни нотинч аҳволга солиб қўйган вазиятни биргаликда муҳокама қилишди. Шунингдек, у аҳолини Ватан, номус ва миллатни биргаликда ҳар доим ҳимоя қилишга чорлади.

«Озодлик» (ПРАГА).

Xabardor bo'ling

АКАДЕМИЯДА МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯЛАРИ

Магистрлик диссертацияси икки нусхада — бир нусха иш бажарилган кафедрага, бир нусха Академия кутубхонасига тақдим этилади. Кутубхонага диссертация (Академия илмий-маърифий жамоаси, тингловчилар танишиб улгуришларига имконият яратиш мақсадида) ҳимоядан 5 кун олдин топширилади. Магистрлик диссертациясининг титул варағида (3-илова) Академиянинг номи, диссертация бажарилган кафедранинг номи, мавзу, илмий раҳбар, илмий даражалари, битирувчининг исм-фамилияси, диссертациянинг бажарилган ўрни ва йили тўлиғича акс эттирилади.

3-илова.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Давлат ва жамият қурилиши академияси
(факультет номи)
(кафедра номи)
Кўлёзма ҳуқуқида
(Ф.И.О.)
(мавзу номи)
(ихтисослик квалификацияси)

Магистрлик даражасини олиш учун

ДИССЕРТАЦИЯ

Тошкент — 1998

(титул варағининг орқа томони)

Илмий раҳбар _____
(ф.и.о., илмий даражаси ва унвони)

Оппонентлар: _____
(ф.и.о., илмий даражаси ва унвони)

_____
(ф.и.о., илмий даражаси ва унвони)

Амалиёт раҳбари _____
(ф.и.о.)

Амалиёт ўтилган жой _____

Магистрлик диссертациясининг тили ва услуби. Магистрлик диссертациялари мумкин қадар Ўзбекистон Республикасининг давлат тили, яъни ўзбек тилида ёзилиши талаб қилинади. Битирувчилар, ҳозирча, ўз хоҳишларига кўра, магистрлик диссертациялари матнини ўзбек лотин ёзувида (Тил ва нутқ маданияти кафедраси рухсати билан), мавзу моҳияти халқаро аҳамиятга моликлигига қараб, жаҳон тилларидан бири, жумладан, инглиз тилида (Хорижий тиллар кафедраси рухсати билан) тақдим этишлари мумкин. Шу билан биргаликда диссертациянинг қисқача мазмуни ўзбек тилида берилади ва ҳимоя асосан ўзбек тилида ўтказилади. Магистрлик диссертациясини ўзбек ёки инглиз тилларида бажара олмайдиган, фақат рус тилида ёза оладиган битирувчиларга, шу тилда ёзиш ва ёқлашларига, ҳозирча, рухсат берилади. Диссертациянинг тили тиниқ, тушунарли, ортиқча академизмдан холи бўлиши керак. Магистрлик диссертацияси ҳам илм кишилари, ҳам амалиётчилар қабул қиладиган услубда яратилиши муҳим.

Магистрлик диссертациясининг ҳаётга тадбиғи. Магистрлик диссертацияси битирувчининг назарий билимлари ҳамда ҳаётий тажрибаси, амалий меҳнат фаолияти сабоқлари асосида вужудга келади. Бундан ташқари, битирувчи магистрлик диссертациясини ёзиши ва ҳимояга тайёрлаши жараёнида назарий фикр ва хулосаларини ҳаётга тадбиқ этиб бориши, яъни илмий-оммабоп газета-журналларда мақолалар эълон қилиши ёки магистрлик диссертацияси ечимларини ишлаб чиқаришга татбиқ этиб бориши лозим. Магистрлик диссертациялари натижаларини матбуотда эълон қилган ёки ишлаб чиқаришга тадбиқ эта олган битирувчилар меҳнати ҳимоя вақтида эътиборга олинади.

Илмий раҳбар. Илмий раҳбар мавзу танланишидан тортиб, ҳимоя жараёнининг охиригача битирувчига йўл-йўриқ кўрсатувчи, магистрлик диссертацияси тайёрланишининг сифати, савияси, суръатига муаллиф билан баробар жавоб берувчи устоздир. Илмий раҳбар, асосан, Академия устоз-мураббийлари доирасидан танланади. Шунингдек, илмий раҳбар Академиядан ташқаридаги илмий тадқиқот институтларидан, олий ўқув юртларидан, давлат бошқаруви идораларидан ҳам таклиф этилиши мумкин. Академия доирасидаги икки ўқитувчи ёки Академия ва Академия ташқарисидаги мутахассислар биргаликда бир битирувчи магистрлик диссертациясига ҳамраҳбарлик қилишлари мумкин. Раҳбарларнинг бирини назариётчилардан, иккинчисини амалиётчилардан белгиласа ҳам бўлади. Илмий раҳбар магистрлик диссертацияси ҳақидаги хулосаларини (4-илова) ҳимоядан 3 кун олдин ҳимоя хайъатига ёзма равишда тақдим этиши лозим.

Оппонентлар. (Диплом ишларида бу вазифани тақризчилар бажарар эди). Академияда ёқланадиган магистрлик диссертациясига иккита оппонент белгиланади. Оппонентларнинг биринчиси Академия устоз мураббийлари таркибидан, иккинчиси ташқаридан танланади. Оппонентларнинг магистрлик диссертацияси ҳақидаги ўз тақризларини (4-илова) ҳимоядан 3 кун олдин ёзма равишда, ишлайдиган муассасаларининг муҳри билан тасдиқланган ҳолатда ҳимоя ҳайъатига тақдим этишлари лозим. Тақриз ҳажми 2 оралиқ босмада 2—3 бетдан кам бўлмаслиги, унда магистрлик диссертациясининг моҳияти, ютуқ ва камчиликлари диссертацияни баҳолаш мезонларига мос келган ҳолда ёритилган бўлиши муҳим.

4-илова

Тақризнинг талаблари

Магистрлик диссертациясига илмий раҳбар хулосаси ва оппонентлар тақризи олинади. Қуйида уларда (Намуна) акс эттирилиши лозим бўлган масалалар келтирилган.

Илмий раҳбар хулосаси

1. Диссертация иши мавзусининг долзарблиги.
2. Тингловчининг иш жойи ва касби билан боғланганлиги.
3. Мақсади, вазифалари қай даражада ёритилгани.
4. Амалий тадбиқи даражаси. Натижаларнинг асосланганлиги.
5. Тадқиқочининг қобилиятига қисқача таъриф.
6. Диссертациянинг Академия тингловчиларининг магистрлик диссертацияси тўғрисидаги Низом талабларига мослиги.

Оппонентлар тақризи

1. Диссертация иши мавзусининг долзарблиги.
2. Диссертациядаги асосий илмий хулосалар ва натижанинг далилланиши, янгилигини исботлаб бериш, таҳлил орқали холисона баҳолаш.
3. Бажарилган ишнинг фан ва амалиёт учун аҳамиятлилиги.
4. Диссертация мазмунини, унинг тугалланганлигини баҳолаш.
5. Ишнинг шаклу-шамойили, тили ва материал баёни стили.
6. Диссертациянинг Академия тингловчиларининг магистрлик диссертацияси тўғрисидаги Низом талабларига мослиги.

Муаллифлик. Магистрлик диссертацияси мустақил илмий-амалий тадқиқот ҳисобланади. Унда Академия битирувчисининг мустақил илмий-ижодий фаолияти, шахсий дунёқараши, ижтимоий-сиёсий, маънавий қиёфаси, илмий-маърифий етуклик даражаси, фалсафий тафаккур қобилияти ва лисоний саводхонлиги яққол намоён бўлиши керак. Шунинг учун ҳам магистрлик диссертацияси индивидуал изланиш ва ижодий меҳнат маҳсули ҳисобланади. Бинобарин, магистрлик диссертациялари ҳаммуаллифликда бажарилмайди. Уни ҳар бир битирувчи алоҳида ёзади. Агар магистрлик диссертацияси ёзилиши, ҳимояси жараёнида мазкур иш бошқа бирор тадқиқотни такрорлаётгани ёхуд ундан ўзлаштирилганлиги аниқланса, битирувчининг муаллифлик ҳуқуқи бекор қилинади.

Рустам ЖУМАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси I-проректори, сиёсий фанлар доктори.

(Боши газетамизнинг ўтган сонида. Давоми бор).

Sharh

ЁШЛАР ВА ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ

Ҳуқуқ ва бурч тушунчаси ҳақида соатлаб ваъз ўқиш мумкин. Чунки ҳар биримизнинг юриш-туришимизда, хулқ-атворимизда ана шу икки мезон акс этиб туради.

Мактаб ўқувчилари, ўспиринлар, талаба ва ёшлар ўртасида каттакичик жиноятларнинг келиб чиқиши уларда ҳуқуқий билим ва онг етишмаслигидан далолат беради. Вазифа нимадан иборат?

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1-чақириқ IX-сессиясида тасдиқланган «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури тўғрисида»ги ҳамда Республикамиз Президентининг 1997 йил 8 октябрдаги «Ёш авлодни тарбиялаш, билим тизимини ва кадрлар тайёрлашни тубдан ислоҳ қилиш» ҳақидаги қарорларида вазифа нимадан иборат эканлиги кўрсатиб ўтилди.

Ана шу икки тарихий ҳужжат асосида республика Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари бир қанча тадбирларни белгилади. Қорақалпоғистон Республикаси ХТВ, Тошкент шаҳар ХТББ ва вилоятлар ХТБ, мутасадди ташкилотлар, вазирликнинг бошқарма ва масъул идоралари белгиланган ушбу тадбирлар билан батафсил танишиб чиқишиб, уларни амалга ошириш юзасидан ўз вазифаларини белгилаб олишлари шарт ва лозим.

Таълим муассасаларида «Ҳуқуқ», «Давлат ва ҳуқуқ асослари», «Ҳуқуқшунослик асослари», «Инсон ҳуқуқлари» каби предметлар режага киритилди. Фан бўйича концепция, янги дастур, дарслик ва қўлланмалар яратилгани, мутахассис кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилгани, мактаб ўқувчилари, ҳунар билим юртлари ёшлари ўртасида илмий-амалий анжуманлар ўтказилаётгани, олимпиадаларнинг йўлга қўйилиши умумий аҳволга юқори баҳо бериш имконини бермайди. Демак, ёшларда ҳуқуқий маданиятни шакллантириш борасида муаммолар анчагина.

Иккала вазирлик томонидан ишлаб чиқилган тадбирларда белгиланадики, 1999 йилдан бошлаб ҳуқуқшунослик фанлари чуқурлаштириб ўқитиладиган махсус академик лицейлар ташкил этилади. Келаси ўқув йилидан бошлаб мактабгача тарбия муассасаларида «Илк ҳуқуқий тушунчалар» машғулотларини киритиш мўлжалланаётир. Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус, Адлия вазирликлари ҳамкорликда бу предметлар учун дастурлар, дарслик ҳамда қўлланмаларни қайтадан кўриб чиқади. Яқин йиллардан эътиборан, 1-4 синфларда «Ҳуқуқ алифбоси» суҳбатлари, 5-8 синфларда фанлар таркибида «Ҳуқуқ сабоқлари», 9-синфларда академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида «Давлат ва ҳуқуқ асослари», «Инсон ҳуқуқлари», «Қонунчилик асослари» предметларини ўқитиш режалаштирилмоқда.

Олий ва ўрта махсус таълим тизимида ҳуқуқий маданиятни ривожлантириш билан боғлиқ тадбирлар кўп ва хилма-хил. Хусусан, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари тизимида «Конституциявий ҳуқуқ» дарслигини ёзиш, нашр этиш лозим.

ТошДУ қошида ҳуқуқий таълим ва тарбияни амалга ошириш стратегияси ва меъёрларини ишлаб чиқиш марказини ташкил этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланмоқда.

Талабаларнинг жамият, ҳуқуқ, бурч, қонун ҳақидаги тушунчаларини, олган билимларини синаб кўриш ҳам яхши натижа беради. Ҳуқуқшунослик фанидан машғулот ўтказишнинг назорат тури сифатида жорий тест синовлари, давлат имтиҳонлари жорий қилинади. Бундан ташқари, ёшларга аҳлоқ ва шариат тўғрисида кенгроқ тушунча беришда ҳадису шарифлардан фойдаланишнинг ҳам самараси катта бўлади.

Келажакда амалга оширилиши мўлжалланаётган мазкур тадбирлар шубҳасиз, таълим муассасаларида ёшларнинг ўз ҳуқуқ ва бурчларини янада кенгроқ, теранроқ англаб етишларига қаратилган. Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш керакки, педагогик кадрлар билан ишлаш, мактабдан ва синфдан ташқари ишлар борасида ҳам умумий йўналиш акс этган. Уларни оғишмасдан, мумкин қадар мақсадга хизмат қиладиган даражада бажаришга вилоят халқ таълими бошқармалари масъулдирлар.

Ҳулкар ТЎЙМАНОВА.

Maxsus ta'lim

СИЭТЛ ТААССУРОТЛАРИ

«Таълим муассасалари таълим муаммолари юзасидан халқаро ҳамкорликда иштирок этадилар, чет давлатларнинг тегишли ўқув юртлари билан бевосита алоқалар ўрнатиш, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда улар билан қўшма ўқув юртлари ташкил этиш ҳуқуқига эга».

«Таълим тўғрисида»ги Қонун. 33-модда.

Американинг Сиэтл шаҳри кўп йиллардан буён Тошкент шаҳри билан ўзаро дўстлашиб келмоқда. Бу иккала биродар шаҳар ҳамкорлигини таълим соҳасида ҳам кузатиш мумкин.

Республика халқ таълими ва соғлиқни сақлаш вазирликларининг бир гуруҳ вакиллари шу йил сентябрь ойида Сиэтл шаҳрида бўлишди. Улар орасида республика таълим маркази дефектология бўлими бошлиғи, педагогика фанлари номзоди, доцент Рихсихон Шомаҳмудова ҳам бор эди.

Сиэтл шаҳрида ногирон болаларни ҳимоялаш, ҳаётга тайёрлаш, реабилитация қилиш, қўллаб-қувватлаш қандай йўлга қўйилганлиги хусусида Р. Шомаҳмудова қуйидагиларни сўзлаб берди.

— Маориф тизимини ривожлантиришга бизда катта эътибор берилмоқда. «Таълим тўғрисида»ги қонун янгиланди. Сиэтлга сафаримиз арафасида ана шу қонун билан биргаликда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ҳам қабул қилинган эди.

Таълим соҳасидаги халқаро ҳамкорлик ҳар қандай давлатга, менимча, фақат муваффақият келтиради. Эшитиш бошқа, кўриш бошқа. Америка ҳақида маълум тасаввурга, маълумотларга эга эдик, лекин бу давлатнинг халқи, хусусан, ногирон болалари ҳаёти билан яқиндан танишиш бизга кўп нарсаларни берди. Профессор Харлен Гепхерд бошчилигида биз 10 кун Сиэтл ва унинг атрофидаги шаҳарларни зиёрат қилдик. Махсус таълим муассасалари, тиббиёт масканлари бу ерда ўз йўналиш ва моҳиятига кўра фарқланар экан. Инсонпарварлик ҳайрия ёрдами кўрсатиш (Волд Консерн) маркази, ногирон болалар касалхонаси ва ундаги реабилитация маркази, мактабгача тарбия коллежи ва бу ерда ташкил қилинган ота-оналар маслаҳат пункти, мактабгача тарбия болалар марказида ташкил қилинган интеграция усулидаги умумтаълим мактаби, эшитишида нуқсони бўлган болалар мактаби, усмирлар ва катта ёшдаги кишиларнинг меҳнат-реабилитация марказлари шулар жумласидандир.

Уларни қузатар эканмиз ногирон болалар, шахслар давлат ва барча мутасадди ташкилотлар, жумладан, соғлиқни сақлаш, маориф ва ижтимоий таъминот департаментларининг диққат эътиборида эканлигини сездик, ҳис қилдик. Ногиронларни ҳимоя қилиш, тиббий ёрдам кўрсатишда бу ташкилотлар бир-бирлари билан қатъий ҳамкорлик, яқинлик ўрнатишган. Бунда нафақат бир-бирига алоқадор ташкилотлар мутахассислари, балки кенг жамоатчилик, ота-оналар, қариндош-уруғлар ҳам жалб қилинади. Ҳудди шундай йўл тутсак, бизда ҳам ногиронларнинг ҳаётидан ўз ўринларини топиб кетишлари қийин кечмайди.

Америка таълим тизимида жисмоний ва ақлий ривожланишида нуқсони бўлган болаларни биргаликда яъни очиқ таълим тизимида ўқитиш йўлга қўйилган.

Умумтаълим синфларида болалар сони 20 нафардан зиёд эмас. Ҳар бир синфда 3-4 ногирон ўқувчи қўшиб ўқитилади. Синфга ассистент-дефектолог бириктирилган. Мураккаб нуқсонли болалар учун алоҳида синфлар мавжуд. Унда 6-10 ўқувчи бўлиб, улар билан 2-3 ўқитувчи шуғулланади, айни пайтда яккама-якка иш олиб борувчи мутахассислар ҳам бу жараёндан четда эмаслар.

Ногиронларни интеграция усулида ўқитишни жорий қилиш 80-йилларда кучга кирган бўлиб, моддий жиҳатдан таъминлашнинг 60 фоизи давлат бюджетидан, 40 фоизи эса жамоатчилик томонидан қопланади. Жамоатчилик деганда нодавлат ташкилотлар, ихтиёрий ёрдам кўрсатувчи корхоналар, ҳомийларни тушуниш керак.

Биз бўлган «Эдмандес» мактабида 700 нафар ўқувчи ўқийди. Бу аралаш турдаги мактаб бўлиб, унда 85 нафар эшитишида нуқсони бўлган болалар ҳам таҳсил олишар экан. Бу мактаб давлат тасарруфида. Сурдопедагог, таржимон логопед, психолог-аудиолог, тиббий ҳамшира улар билан банд. Меҳнат ҳақи уларга мактаб жойлашган худуд департаменти орқали берилади. Эшитиш аппаратларини болага ўз ота-онаси олиб беради. Улар илк ёшларидан бошлаб ана шу аппаратлардан фойдаланишади. АҚШ конституциясига биноан ҳар бир штат ўз дастурини тайинлашга ҳақлидир. Ўқув режа ва дастурлари Вашингтон штатининг департаменти томонидан таъминланади. Бу дастурларда эса таълимнинг коррекцион вазифалари белгилаб қўйилган. Улар таълим жараёнида дидактик материаллардан ҳам фойдаланишлари мумкин. Ўқитувчи мавжуд дастурларни ҳар бир ўқувчининг имкониятига қараб мослаштириши мумкин. Ўқув режасида математика, ўқиш, ёзиш, санъат, инглиз тили, жисмоний тарбия, алоҳида якка фаолият ва бошқалар муҳим ўрин тутади. Мактабда ўқитиш муддати 10-11 йил. Ўқиш тугаши билан улар карлар жамияти орқали ишга жойлашадилар.

Бизнинг диққатимизни тортган ота-оналар клуби ишига ғоятда қизиқдик. Улар мактаб психолог-аудиологлари маслаҳатини олиб туришар экан. Бундан ташқари, бир хил нуқсонли болаларнинг ота-оналари ҳам ўзаро фикр алмашиб туришади. Бир неча нуқсонли болалардан алоҳида синфлар ташкил этилган. Масалан, 52 нафар ўқувчи билан 13 ассистент ишлайди. Булар 4 йиллик махсус коллежларни тугатишган. Мутахассисликлари бўйича олигофренопедагог, логопед, сурдопедагог, дифлопедагог, тиббиёт ҳамшираси. Ҳар бир бола учун якка дастур тузиб қўйилган. Уларда маданий гигиеник талаблар, мулоқотга киришиш, кўникмалар беришга алоҳида эътибор қаратилган. Шунингдек, бу дастурда болаларни мустақил ҳаётга тайёрлашга оид меҳнат турлари ҳам кўрсатиб ўтилган. Енгил турдаги нуқсони бор болалар оддий синфларда ўқийверишади, тушликдан кейин эса дефектолог билан коррекцион машғулотларда қатнашадилар. Ўқувчилар ўз хоҳишларига кўра 20 ёшгача мактабда ўқишлари мумкин. Таълим бепул. Уларга меҳнат пули тўланади.

Сиэтл шаҳридаги махсус таълим муассасаларини сиртдан қузата туриб, шундай хулосага келдикки, бу ерда ногиронларга паст назар билан қаралмайди. Улар қўнглидан кечаётган нозик ҳис-туйғуларга инсонпарварлик билан ёндашилади. Улар ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватланади, ёрдам, рағбат, мурувват улар ҳаётининг мазмунига айланиб кетган...

Таълимнинг ички мазмуни эса бошқа мавзу. Услуб, изланиш, тадқиқот, янгилик, ахборотларга бой бу муассасалар таълим тизимининг ички йўналишларидан бохабар бўлишимиз, табиийки, буларни ўз таълим муассасаларимизда ҳам қўллаб қуришимизга рағбатлантиради.

Ҳулкар ТЎЙМАНОВА оққа кўчирди.

«ШУ МАКОН МЕНИКИ»

«Табиатга қўпол ва такаббурларча муносабатда бўлишга йўл қўйиб бўлмайди, — деб ёзади юртбошимиз «XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобида. Буни яхши идрок этган Шайхонтоҳур туманидаги Назир Сафаров номли мактаб педагогик жамоаси ҳамда ўқувчилар томонидан экологияга бағишланган «Шу макон меники» деб аталган тадбир ўтказилди. Унда болалар қўли билан яратилган жонли бурчаклар, гул тувакларидаги алвон гуллар, «Оролни асранг» деворий газетаси, турли ноз-неъматлар етиштириб берадиган она ерга муносабат, сувларнинг тозалиги масалалари атрофлича талқин этилганлиги барча қатнашчиларни мамнун этди.

А. АЗИЗОВА.



«Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида умумий ўрта таълим тури ўқувчига билимларнинг зарур ҳажмини бериш баробарида «дастлабки тарзда касбга йўналтиришга ва таълимнинг навбатдаги босқичини танлашга ёрдам беради» дейилган. Бу вазифани умумтаълим мактабларида ўтилаётган «меҳнат таълими дарслари ва турли-туман тўгараклар бажаради. Каттақўрғон шаҳридаги 7-ўрта мактабда болаларни касб-ҳунар эгаллашга қизиқтириш ҳамда уларда бу ҳақда мактабдаёқ илк тушунчалар бериш яхши йўлга қўйилган.

СУРАТДА: меҳнат таълими ўқитувчиси Баҳодир Маҳмудов ўқувчиларга дастгоҳда ишлаш сирларини ўргатмоқда.

Акром ҲОШИМОВ олган сурат.

Xorijliklarga o'zbek tili

ИЛК ҚАДАМ, ИЛДАМ ҚАЛАМ

Маънавиятни юксалтириш йўлида қатор ишлар амалга оширилган ва оширилаётган бир даврда ўзбек тилини ўқитиш тизими, дастурларини такомиллаштириш, таълим беришнинг замонавий усулларидан фойдаланиш алоҳида аҳамият касб этади. Бинобарин, чет элда мавжуд таълим тизимлари, дастурлари, ўқув қўлланмаларини ўрганиш, тажриба сифатида фойдаланиш, мутаносиб жиҳатларини татбиқ этиш самарали натижа бериши аён. Бу йўсиндаги изланишу интилишларнинг дебочаси тарзида «Chet elliklar uchun o'zbek tili» (O'zbek-turk liseylari nashri: T. — 97)» китоби чоп этилди.

Жаҳондаги илғор давлатлар билан яқиндан ҳамкорлик муносабатлари ўрнатилган ушбу онларда мазкур китобнинг баҳоси, албатта, айрича. Чунки чет давлатлар билан иқтисодий, сиёсий, маданий алоқалар йўлга қўйилганлиги сабабли ўзбек тилини ўрганишга қизиқиш тобора кучаймоқда. Ўзбек тилида фикр алмашиш, ўз мулоҳазаларию муносабатини баён этиш лаёқатини эгаллашга қаратилган дарсликлар оз эмас. Аммо А. Рафиев, Т. Ўзтурк, Д. Нуриддиновалар муаллифлигида ҳозирланган янги қўлланма ўзбек тили тарихидаги ўхшаши йўқ таҳсилнинг биринчи босқичи, десак янглишмаган буламиз. Сабаби, дарслик буткул грамматик қонун-қоидалардан холи. Фақатгина айрим зарур сўз шакллари, қўшимчалар келтирилган, холос.

Китоб бошдан охиригача сўзлашув, суҳбат ва содда матнлар асосига қурилган. Кундалик ҳаётда қўлланиладиган жумла — иборалардан ташкил топган бу китоб ўзбек тилини тез ўзлаштиришга етарлича имкон беради. Албатта, дарсликни грамматик асос-қоидаларсиз яратилганлиги қатор эътирозларга сабаб бўлиши мумкин. Дарҳақиқат, тилни ўрганишда назария маълум миқдорда кўмак бериши табиий. Лекин бу ва бу каби эътирозларга қарамай дарслик назарий жиҳатдан пухта ишланганини тан олиш жоиз.

Қўлланмада берилган мавзулар ва матнлар изчил тадрижийликка асосланган. Ўқувчи аста-секин оддий танишув, салом-аликдан нисбатан мураккаблаштирилган савол-жавобларга ўтади. Китобни жун сўзлашгичларга ҳам ўхшатиш мумкин эмас. Сўзлашгичлар ёлғиз маълум бир суҳбат онида ишлатилувчи асосий гап-сўзлардан иборат. Бундай воситалар фақат ёдлаш ва такрорлашга таянади.

«Chet elliklar ushun o'zbek tili» қўлланмаси эса расмлар воситасида суҳбатга асосланади. Кўргазмалилик эса диалогни ёдда сақлашни қулайлаштирган. Дарсликнинг афзалликлари қаторида қуйидагиларни тилга олиш лозим. Янги қўлланма суҳбатлардан ташқари расм асосида гап тузиш машқини тавсия этади. Бунда, аввало, муайян сўзлашув намунаси берилади. Сўнг сўзлар ёрдамида шу тартибдаги саволжавоб уюштириш ёхуд мос келувчи матн тузиш топшириғи тақдим этилади.

Дарслар сўнгида, ўзбекча-инглизча сўзлар луғати келтирилганлиги айни муддао бўлган.

Дарслик талабчанлик ва изчиллик билан танланган мавзулардан тузилганлиги тил ўрганувчи учун ўнғайликни таъминлаган. Қўлланмадаги топшириқларнинг ранг-баранглигию, хилма-хиллиги ўқувчида қизиқиш уйғотади ва зерикиб қолмасликнинг олдини олади. Масалан, баъзи матнлар охирида хулосалар келтирилади ҳамда бу ҳукмларнинг хато ёки тўғрилигини аниқлаш топширилади (28, 136, 150-бетлар).

«Янги бозор», «Аброр ака», «Фикрингизга қўшиламан» (56, 46, 163-бетлар) матнлари сўнгида тест шаклидаги вазифа мавжуд. Бу тестларда мувофиқ жавобларни белгилаш лозимдир. Аксарият матнларнинг ўрганилиш даражаси саволлар ёрдамида назорат қилинади. Ўзбек тилида гапларнинг ҳосил қилиниши турланиш, тусланиш қўшимчаларисиз мумкин эмас. Шу туфайли китобдаги «Такрорлаш», «Диққат!» рукни остида берилган сўз ва унинг шаклларини ясовчи қўшимчалар шу мақсад учун хизмат қилиши назарда тутилган.

Маълумки, нутқимиз асосини сўз ва иборалар ташкил этади. Сўзни сўзга боғлаш, гап тузиш, хабар, маълумотни беришда феъллар, феъл замонлари етакчи ўринни эгаллайди. Биз янги дарсликда феъл ёки феълнинг грамматик хусусиятларини изоҳлашга қаратилган бир оғиз сўзни ҳам учратмаймиз. Бироқ деярли барча мавзуларда феълнинг бирон-бир шаклини ўрганиш ниятқилинган яққол кўзга ташланади. Феъл қўллашни ургатиш «-яп» қўшимчали ҳозирги замон феълини ясаш шахс сонда туслашдан бошланади. (23-бет). Айни ўринда мисолларнинг сўроқ шакли билан ҳам таништирилади. Бу малакани эгаллаш орқали ўқувчи нутқ онида бажарилаётган ёки бажарилмаётган ҳаракат — ҳолатнинг тасдиғи ёхуд инкорини ифодалаш имкониятига эришади. 69-70-бетлардаги намуналар воситасида гапирилаётган вақтдан кейин бажарилувчи иш-ҳаракатни баён этиш ўргатилади. Ва ниҳоят ўқувчи ўтмишда содир бўлган иш ҳаракатни англатишни машқ қилади (114-128-бетлар). Грамматик замон ҳақидаги сўнгги машғулот «-моқчи» ёрдамида ясалувчи шакл билан таништириш орқали якунланадики, натижада тил ўрганувчи ўз мақсади, нияти, истак-орзулари ҳақида ҳикоя қила олади (158-бет).

«Chet elliklar uchun o'zbek tili» китоби турк олимлари ҳамкорлигида яратилган бўлиб, ўзбек-лотин имлосида ўз ифодасини топган. Шу туфайли баъзи ўринларда имловий хатоларнинг мавжудлигини жиддий бўлмаган нуқсон тарзида кўрсатиш мумкин. Янги қўлланманинг қулайлиги шундаки, у аудиокассталар билан таъминланган. Эндиликда тил ўрганувчи матнни ўқиш билан баробар тинглаши ҳамда тўғри талаффуз қилишни машқ қилиши осон. Умид қиламизки, «Chet elliklar uchun o'zbek tili» китоби она тилимизни ўрганишга астойдил киришганлар учун беқиёс ва фойдали ёрдамчига айланади.

Зилола ХУДОЙБЕРГАНОВА,
ТошДУ аспиранти.

МАКТАБГА ҚАЙТИНГ, УСТОЗ!

Инсон одатда ўз умрини бағишлаган касби билан хайрлашиб, кексалик нафақасига чиқар пайтда ўтмиш фаолиятини бир сарҳисоб қилиб кўради. Кимдир ўз ишидан кўнгли тўқ, ёруғ юз билан иш жойини тарк этса, кимдир инсон умри нимадан иборатлигию ҳаётда нима муҳимлигини англаб етмаганлигидан афсусланади.

Сир эмаски, бугун яхши яшаш учун касбга бўлган садоқатни четга суриб қўйиб, умрини бозорда ўтказаётган малакали мутахассислар жуда кўп.

Бозорда ширинликлар билан савдо қилаётган келишган бир киши ўзига салом бериб қараб турган болага алик олиб, уни таниди. Болакайни сийлаб қўлига ширинлик тутқазди. Бола раҳмат дея ойисининг қўлидан ушлаб, унга эргашди. Одамлар орасида кўринмай кетгунча у кишидан кўзини узмади. Бир оздан сўнг боласидан ўша одам аввалари мактабда математика фанидан дарс берганлигини эшитган аёл ҳам орқасига маъноли қараб қўйди. Чунки у ўғли ўқиётган мактабда математика фанидан ўқитувчи йўқ эканлигини биларди.

Хўш, нимаси ёмон? Тирикчилигини ҳалол ўтказаяпти-ку, деб кўя қолсак ҳам бўларди. Балки, касбига садоқати етарлича бўлмаган, ундан пулни афзал кўрадиган одамларнинг мактабдан узоқроқ бўлгани маъқулдир. Бироқ, ҳозир берган ширинликлари учун болакайдан раҳмат олган ўқитувчи эртага бермаган билими учун ўша боланинг нафратига учрамасмикан?! Наҳотки собиқ ўқитувчи боланинг нигоҳидан домласининг мактабга қайтиши, уларга билим беришини илтижо қилаётганлигини англамаган бўлса?!

Фахриддин ТУРДИАЛИ ўғли,
ТошДУ толиби.

Obuna-98

Жамоатчилик топшириғи бўйича Акмал Икромов туман халқ демократик партиясининг иккинчи котиби Маҳмуд Эргашев билан пойтахтдаги 505-болалар боғчасига ташриф буюрдик. Айни чоғда болалар маскани хизматчиларига маош берилаётган экан. Шу боис боғча мудираси Лайло Зоированинг хонаси гавжум. Билишимизча, мураббийлар ўзларининг яқин кўмакчилари — севимли газета ва журналларга ёзилишаётган экан. Муштарийларнинг кўпчилиги «Маърифат» газетасига — кўз ўнгимизда беш киши — обуна бўлаётганининг гувоҳи бўлдик. Гулчеҳра Рисқулова, Раҳима Илҳомова, Мастура Ҳошимова, Дилбар Тошпўлатова ва бошқалар шулар жумласидандир. Обуна бошлангандан буён болалар боғчасининг 28 нафар ходими мазкур газетага ёзилдилар. Обуна давом этаётир.

Суратда (чапдан): Г.Рисқулова, Л.Зоирова, Р.Илҳомова, М.Ҳошимова, Д.Тошпўлатовалар таълим-тарбия жараёнини такомиллаштиришда газетанинг ёрдами беқиёслиги ҳақида суҳбатлашаётирлар.

Суратка Засим СОКОЛОВ.

Xullas...

АХЛОҚ УЧУН КУРАШ

Борисглебск — Россиянинг чекка бир туманларидан. Бироқ бу ерда пок ахлоқ учун бошлаб юборилган кураш уларни бутун мамлакат диққат марказига олиб чиқди. Ҳаммаси Борисглебскда ахлоқ полицияси ташкил қилишдан бошланди. Энг ғалатиси шундаки, бу маҳкамада одатдагидек милиционерлар эмас... маҳаллий педагогика институтининг ўқитувчилари, талабалари хизмат қилишади. Туманда ҳар хил шармҳаёсиз видеокассеталар, китоб-журналлар сотиб «тирикчилик» қиладиган учарлар улардан худди оловдан қўрққандек ҳайиқишади. Чунки ахлоқ полицияси истеъмолга яроқсиз, деб топган ҳар қандай маҳсулотни мусодара қилиш ҳуқуқига эга-да.

МУРМАНСКДАГИ МОЖАРО

Мурманскдаги мудофаа мақсадлари учун ишлайдиган завод ишчилари катта митинг уюштирдилар. Завод тўрт ойдан бери ишламаяпти. Маош йўқ. Бироқ митинг сабаби... бу эмас эди! Завод аҳли бундай қургуликларга сабр-тоқат қилиб юришганди, бироқ Мурманскка Англияда ишлаб чиқилган чиқинди қутилари келтирилгани ҳақидаги матбуот хабари ари уясига чўп тиққандай бўлди. Ҳамма қаҳру ғазаб билан намойишга қўзғалди. «Ахир, — дейишмоқда митингбозлар, — мана шу қутиларни биз ҳам ишлаб чиқаришимиз мумкин-ку? Наҳотки, шу арзимас нарсани ҳам хориждан келтиришса?»

Мурманск маъмурияти намойишчиларни тинчлантириш учун зудлик билан анчадан бери куттириб қўйган маошларни ишчиларга тарқатиб чиқди.

ЎЛДИ ҚИРОЛ, ЯШАСИН ҚИРОЛ!

Италиядаги Энно шаҳарчаси аҳолиси ёмғирдан қочиб дўлга тутилди. Улар шаҳарчада ўз ҳукмини ғоят зўравонлик ва ваҳшийлик билан ўтказиб келаётган Жон Реплиндан, унинг жиноий гуруҳидан безиб қолишди. Ниҳоят, бу зўровонлардан қутулиш учун Римдан махсус жиноий гуруҳни яширинча ёллаб Жон Реплин ва унинг тўдасини йўқотишди. Бироқ, ўз-ўзларидан «халоскор»ларига тобе бўлиб қолишди. Айтишларича, «халоскор»лар Жон Реплин тўдасидан ҳам беш баттар экан.

ana shunaqa gaplar

Sport maydonchasi

ЯНА ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИГА

Волейбол бўйича Тошкентдаги Марказий Ҳарбий Спорт Клуби масканида навбатдаги жаҳон чемпионати учун саралаш мусобақалари бошланди. Ўзбекистон терма командаси Австралия, Тайван профессионал боксчиларини қабул қилмоқда. Мусобақалар 14 декабрда ниҳоясига етади. Ғолиб жаҳон чемпионатида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритади.

ПЕЛЕ: БРАЗИЛИЯ ЯНА ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ БЎЛАДИ

Футбол бўйича 16-жаҳон чемпионатида қайси мамлакат терма командасининг ғолиб чиқиши тўғрисида сўровлар ўтказилди. Дунёга машҳур Пеле, бу гал ҳам Бразилия футболчиларининг сўзсиз чемпион бўлишини таъкидлаб шундай деди: «Дунёда Бразилия терма командасига тенг келадиган бирорта команда йўқ. 16-чемпионатнинг олтин медали ҳам бизнинг қўлимиздадир».

ФРАНЦ БЕККЕНБАУЭРнинг БАШОРАТИ

«16-жаҳон чемпионатида кимнинг ғолиб чиқишини ҳозирдан айтиш қийин. Балки ҳақиқатан ҳам олтин медаль Бразилияга тегишлидир.

Лекин Аргентина ҳам улардан қолишмайди. Шунингдек, Германия терма командаси ҳам чемпионликка даъвогар. Шуни аниқ айтишим мумкинки, энг юқори уч совринли ўринни мана шу уч мамлакат футболчилари қўлга киритади».

ДИЕГО МАРАДОНАнинг ФИКРИ

«Ҳар куни саккиз соатдан жиддий машқ қилаяпман, Мақсадим Аргентинамни жаҳон чемпиони қилиш. Терма командамиз илгариги пайтлардагидан анча кучли. Майдондаги битта ўринга 3—4 тадан энг маҳоратли футболчи тўғри келмоқда. Ҳеч кимни хафа қилмаслик учун қуръа ташлаш йўли билан омадли ва зўр футболчиларни танлаб олмоқдамиз. Аргентина албатта жаҳон чемпиони бўлади».

БУНИ ҲАЁТ ДЕЙДИЛАР...

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги хоккей ишқибозларининг энг севимли кишиси, бир неча марта собиқ СССР чемпиони, СССР спорт мастери, Халқаро классдаги спорт мастери, таниқли спорт шарҳловчиси, мўътабар инсон Евгений Майоров оғир касалликдан сўнг 59 ёшида бевақт оламдан ўтди. «Маърифат» газетаси барча хоккей ишқибозларига ҳамдардлик изҳор этади.

G'aroyib dunyo

ЭНГ КЕКСА ТАЛАБА

Тиббиёт факультетига қабул қилинганлар руйхатига ниҳоят Сиро Кацураги нинг қушилиши унга қувонч бахш этди. У врач бўлишни бундан 33 йил аввал орзу қилган эди. Бироқ ота-онасининг истаги ўғилларини техникага таллуқли олий ўқув юртларида ўқитиш эди.

Орадан қанча йиллар ўтса ҳам ёшлигидаги орзуси унга тинчлик бермади. Сиро Кацураги ўтган йили тиббиёт факультетига кирмоқчи бўлган ўғли билан биргаликда синов имтиҳонларига тайёргарлик кўрди. Бироқ қабул имтиҳонларида ўғил отадан ўтиб кетди.

Синов баҳолари паст бўлгани учун отаси қабул қилинмади. Мактаб дарсликларини яна ўқиб, енг шимариб пухта тайёргарлик кўрди. 53 ёшли Сиро Кацураги 1987 йили ташкил топган Киото университети тарихида энг кекса талаба ҳисобланади.

ҲАЙВОНОТ ДУНЁСИ АТЛАСИ

Арманистон фанлар академиясининг Геология институти жамоаси москвалик мутахассислар билан ҳамкорликда республиканинг қадимий ҳайвонот олами атласини тайёрлади. Унда турли даврларга доир топилмалар жамланган.

Улар орасида айниқса, 100 миллион йилча бурун мавжуд бўлган денгиз ҳайвонларининг қолдиқлари муҳимдир. Топилмалар олимларнинг қадимий замонларда Закавказье ҳудуди — океан бўлганлиги ҳақидаги тахминларини тасдиқламоқда.

Бу атлас геологларга махсус харита тузишда қўл келади.

Fanimiz fidoyilari

ÆÎÍÊÓßÐ ÌÓÐÀÁÀÈÉ

Юртимизда ўз фаолиятлари билан халқимизнинг, миллатимизнинг қадриятларини тиклаш борасида ҳормай-толмай меҳнат қилаётган зиёлилар талайгина. Шулардан бири Йўлдош Охунбобоев номидаги Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти «Тарих ва ҳуқуқ» кафедрасининг мудири, тарих фанлари номзоди, доцент Искандар Ҳайитовдир. Мана, чорак асрдирки, у шу олий ўқув юртида меҳнат қилиб, кабинет мудирлигидан кафедра мудирлигигача бўлган катта босқични босиб ўтди. Искандар Ҳайдаровнинг бевосита ташаббуси билан 1989 йилдаёқ институтимизда талабаларга «Ўзбекистон тарихи» фанини ўқитиш жорий қилинди. Яна шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, талабалар, ходимлар ва профессор-ўқитувчиларнинг халқаро воқеаларга қизиқиши катта эканлигини инобатга олиб, фидойи мураббий Ўзбекистонимизнинг етук сиёсий шарҳловчилари, мутахассислар билан учрашувлар, давра суҳбатлари ташкил этиб бормоқда. Миллий истиқлол мафкураси, маънавият ва маърифат, ҳуқуқий маданият, янги демократик жамият қуриш ғояларини талаба ёшларга сингдириш учун бор илмини, зеҳнини, салоҳиятини сарф этмоқдалар.

Искандар ака камтарин, ўзига нисбатан талабчан, тиним билмай изланадиган, ўрганадиган ва ижод қиладиган олим ҳамдир. Ҳозирги кунда 100 дан зиёд илмий-услубий мақолалари, ўқув-услубий қўлланма ва рисолалари чоп этилган. Икки нафар фан номзодини тайёрлади, ўз илмий мактабига эга. Ўзбекистон тарихи, ҳуқуқшунослик, маънавият ва маърифат асослари фанлари бўйича ўқув дастурларини ишлаб чиқдилар.

Талабаларга меҳрибон устоз, ғоявий раҳбар, моҳир тарбиячи сифатида ҳам ўз ўрнига эга. Шогирдлари ундан мутлоқ янгича фикрлаш, элим деб, юртим деб ёниб яшашни ўрганмоқдалар. Унинг ташаббуси билан институтда 1994-95 ўқув йилидан бошлаб, республика олий ўқув юртлари орасида биринчилардан бўлиб, жамоатчилик асосида маънавият ва маърифат маркази ташкил этилди. Бир вақтнинг ўзида ижтимоий кенгаш раисининг ўринбосари сифатида фаоллик кўрсатмоқдалар.

Донишмандлардан бири айтган экан: «Фидокор кишилар қўёшдек зарур. Улар жамиятнинг энг шоирона ва ҳаётбахш қисми бўлиб, бошқаларга ҳаяжон, таскин берадилар, ёшартирадилар». Ҳа, жамиятимизда бундай кишилар кўпайиб бораётгани кишини қувонтиради.

А. АБДУҒАФФОРОВ,
Шу институтнинг маънавий-маърифий масалалар бўйича ректорнинг биринчи ўринбосари,
Х. АҲРОРОВ,
кафедра мудири муовини.

ҚЎЯСАНЛАРМИ, ЙЎҚМИ?

Новелла

Ёшим ўтиб, сочимга қиров тушган бўлса-да, ҳали шуҳрат насиб этган эмас. Тўғри, талайгина машқларим босилиб чиққан, лекин ўқувчи қалбига «жиз» этиб тегадигани йўқ. Шуларни ўйлаб сиқиламан. Шартта ўтириб, шундай бир асар ёзмоқчи бўламанки, ўқиган одам ёқа ушласин!

Эшик тақиллаб, қўшним келди.

— Вой-бўй, шу сигаретнинг тутуними? Кўриб бўлмайди-ей!

Шундай кунда хонада димиқиб ўтириш... — қўшним аскияга ўч эмасми, тулкининг инига олов ёқиб, ўзини талатганини айтиб, роса кулдирди. Хайрият, бошқасини бошламасдан, хотини олиб кетди. Бузоғи дамлапти.

Мен яна чала қолган асарим устига энгашдим. Ажабо, қачон бошладим экан? Ҳа-я, бир меҳмон келганда. Ўшанда роса отамлашгандик. Сўнг ана шу асар мазмуни пайдо бўлди. Чинданам, сўнгги пайтларда меҳмондорчилигимиз майхўрликка айланиб кетмоқда.

— Дада, сизни бувам чақиряптилар, — деди ўғлим. Чиқиб қарасам Раҳим ота экан. У мени кўриши билан қаршимга юрди. Кўришиб-сўрашгач:

— Домлажон, сизга бир ишим тушди, — деди ота, — башарти йўқ демасангиз.

— Хўш?

— Тирикнинг ташвиши кўп бўларкан. Шу денг, кичкиналарнинг гувоҳномасини...

— Кўчириш керак. Шундайми? — Вақтим зиқ бўлгани учун гапни калта қилдим.

— Энди, кўчирадиган машинкангиз бор экан. Районга тушиб, сарсон бўлганча сизга ялиниб кўя қолай дедим.

Бувани ранжитиш мен учун оғир эди. Гувоҳномаларни олиб, уйга қайтдим. Хаёлим бўлинган экан, ишим юришса-чи? Сиқилганимдан деразани ланг очиб, сигарет чека бошладим.

— Дадаси, молларнинг подадан қайтар палласи бўлди, ўт ўрмайсизми?

— Қўясанларми, йўқми?! Бўлмаса бошимни олиб, бирон хилват гўшага кетай! — хотинимга ёрилдим. Хайрият, хотиним феълимга тушунган, йўқса оғиз очса борми, нақ миямга қон уради!

— Билмапман, дадаси, чекиб турганингизни кўриб, ишингизни қип бўпсиз, деб ўйлапман, — деди-да, ўроқни ўзи олиб, томорқа оралаб кетди.

«Инсон умри ташвиш билан ўтаркан-да!» Куюниб турмасдан, яна ёзишга ўтирдим. Дарвоқе, нима демоқчи эдим? Ҳа, меҳмондорчилигимиз майхўрликка айланмоқда! Хўш, бунинг нимаси янгилик? Бобокалонларимиз ақлфаросатининг рамзи бўлган табаррук удумлар эскирдими? Йўқ, улар яратган удумлар мангу, инсон эскирмаси эскирмайди!

Оддийгина бир меҳмондорчиликни тасвирлай бошладим. Унда меҳмонни эшитган қўни-қўшнилар йиғилишиб келишади. Тонг бўзарганча суҳбат қуришади, яхшиларга ҳамду сано айтишиб, инсофсизларга инсоф тилашади...

— Ёзишдан зерикмайдиган банда экансизда, — салом ўрнига танбеҳ бериб кирди тоғаваччам. Унинг кўзлари уйқудан росаям шишганди.

— Афсус, эрта уйғонибсиз, — дедим аламимни ҳазилга йўйиб.

— Одам бекор бўлса уйқуси келмаскан. Деҳқончиликнинг шуниси ёмонда, жиян, ёзда зўриқиб ишлайсан, қишда зерикиб ўласан... Бу дейман, ёзган нарсаларингиз чиқяптими ўзи? Ё ўша ердаям жўравозликми? Футболист бўлганингизда қачонлар машҳур бўлиб кетган бўлардингиз... Гапирсак гап кўп, тўйга борамиз, айтиб кетувди.

— Йиғилишимиз бор, — дедим ёлғондан.

— Тезда қайтамиз.

— Йўқ, — қатъий рад этдим, — бошланиш вақти бўлди.

Бу аслида баҳона эди. Лекин ростдан ҳам мактабдаги мажлислар залига борсам ҳеч ким халақит бермайди-ку, бамайлихотир ёзавераман!

Апил-тапил кийиниб чиқдим. Йўлдаям, мактабдаям бошимга шу фикр нега эртароқ келмаганига ҳайрон эдим. Келганда шунча вақтим зое кетмасди.

Энди иш бошловдим, қоровул салом бериб кирди.

— Қаранг-а, домлажон, касалнинг тузалгиси келса, табиб ўз оёғи билан кириб келади, дейдилар. Ҳозиргина уйингизга бормоқчи бўп турувдим.. Куёвимнинг ноқобил чиққани ўзингизга маълум. Қизим энди у билан бошқа яшамоқчи эмас. Судга борган экан, аризасини қайтарибди. Тартиби йўқ деб. Шуни маъноли қилиб сиз ёзмасангиз, бошқанинг қўлидан келмайди.

Мен беихтиёр сигарет чека бошладим...

Чоршанби ДЕҲНАВИЙ,
Денов туманидаги 21-мактаб ўқитувчиси.

Tinib-tinchimagan odamlar

120 ТИЛ СОҲИБИ

Профессор Карло Тальявини Нью-Йоркда чақирилган тилшунослар конгрессида ҳаммани ҳайратда қолдирган эди. У минбарга чиқиб, эллик тилда қисқача табрик нутқи сўзлаган эди.

У 12 ёшлигидаёқ етти тилни эгаллаган эди. Профессор филология илмини Болон университетида ўрганиб, 15 тилни билганлиги учун докторлик дипломини олди. У ўша вақтда 22 ёшда эди. Шундан икки йил кейин у Рим университетининг доценти даражасига кўтарилди ва тилшуносликка оид ишларини мунтазам давом эттираверди.

Доктор 120 тилни ўзлаштириб олди. У Европа тилларида ва уларнинг шевларида бемалол гаплашаверар эди.

Қизиқ, бунчалик кўп тилни у қандай қилиб ўрганиб олди экан?

— Бунда, — деган эди профессор, — қобилиятнинг ўзи камлик қилади. Қунт билан мунтазам ишлаш керак. Менимча, аввал бошда икки-уч тилни ўрганиш энг қийини бўлса керак. Кейин иш осон кетади.

120 тил соҳибининг айтишича, тилларни ўрганиш унинг одатига айланган эди. Олим ҳар йили уч-тўрт тилни эгаллаган.

А. АЛИЕВ тайёрлади.

СЕВИМЛИ ЖУРНАЛИМИЗГА ОБУНА БЎЛИНГ!

ЯККА ТАРТИБДАГИ ОБУНА УЧУН: ИНДЕКС - 842, -492 СЎМ.
ТАШКИЛОТЛАР УЧУН: ИНДЕКС - 843, -612 СЎМ.

ЭЪЛОН

Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти сиртқи бўлими талабалари ва Қорақалпоғистон республикаси, Тошкент шаҳри ҳамда барча вилоятлар халқ таълими бош бошқармалари раҳбарлари диққатига!

Институтнинг барча факультетлари сиртқи бўлими 2,3,4,5-курс талабаларининг қишки сессия машғулотлари 1997 йилнинг 20 декабридан бошланиб, 1998 йил 12 январигача давом этади.

Институт ректорати.

Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармаси, шаҳар фан ва халқ таълими ходимлари касаба уюшмаси, Ҳамза тумани халқ таълими бўлими ҳамда 282-мактаб жамоаси шу мактаб илмий бўлим мудири

Мукаррам РИЗАМУҲАММЕДОВА вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир Ҳалим САИДОВ

Руйхатдан ўтиш тартиби № 20. Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди. МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32. ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 136-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 136-55-58. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Навбатчилар: Дилбар ХУЖАЕВА, Норали ОЧИЛОВ.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г-0825. Тиражи 21.111. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 19.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. 1 2 3 4 5 6